



Халқ сўзи

Ўзбекистон –
келажаги
буюк
давлат

2026 йил – МАҲАЛЛАНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ВА ЖАМИЯТНИ ЮКСАЛТИРИШ ЙИЛИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

WWW.XS.UZ

E-mail: Info@xs.uz

2026 йил 14 июль, № 142 (9313)

Сешанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодни
телефонингиз орқали сканер қилинг.



БЕКОБОДДА ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН ИСЛОҲОТЛАРИ НАФАСИ

Президент Шавкат Мирзиёев 13 июль куни Тошкент вилоятининг Бекобод шахрига ташриф буюриб, Ўзбекистон металлургия комбинатида амалга оширилаётган ишлар ва янги лойиҳалар билан танишди. Шунингдек, мамлакатимизда қора металлургия саноатини янада ривожлантириш юзасидан йиғилиш ўтказди.



Давлатимиз раҳбари Бекобод шахрига электропоездда келди.

Президентимизнинг 2025 йил 27 декабрда қабул қилинган “2030 йилга қадар темир йўл транспортида маҳаллий йўналишларда йўловчи ташиш кўрсаткичларини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори асосида ҳудудларда транспорт инфратузилмаси янгиланиб, маҳаллий қатновлар кенгайтирилмоқда. Натижада аҳоли учун қулай ва сифатли транспорт хизматлари йўлга қўйилмоқда.

Бекобод вокзалида Президентимиз-

га пойтахт ва мазкур шаҳарни боғловчи йўналишда амалга оширилган ишлар ҳақида ахборот берилди.

192 километрлик Тошкент — Бекобод темир йўл қатнови кунига қарийб минг нафар, йилига эса 300 минг нафар йўловчига хизмат кўрсатиши режалаштирилган. Эндиликда унда олти вагондан иборат, 586 нафар йўловчига мўлжалланган электропоезд соатига 120 километрча тезликда ҳаракатланади. Бу, айниқса, ҳар куни иш ва ўқишга қатнайдиган фуқаролар учун қўшимча қулайлик яратди.

Электропоездда йўловчилар учун барча зарур шароитлар яратилган. Хусусан, ногиронлиги бўлган шахслар учун махсус кўтаргичлар ўрнатилган. Вагонлар кондиционер ва иситиш тизимлари, юмшоқ ўриндиқлар, USB қувватлаш нуқталари ҳамда Wi-Fi тармоғи билан жиҳозланган. Шунингдек, видеокузатув тизимлари, электрон ахборот таблолари ва велосипедлар учун махсус жойлар мавжуд.

Тезкор электропоезднинг қатновга қўйилиши автомобиль йўлларидаги транспорт юкларини камайтириш ва

экологик тоза транспорт улушини оширишга хизмат қилади.

Президентимиз темир йўл инфратузилмасини янада ривожлантириш, йўловчилар учун шароитларни яхшилаш, тармоқларни электрлаштириш ва темир йўлларга туташ ҳудудларни ободонлаштириш юзасидан мутасаддиларга тегишли топшириқлар берди.

Шунингдек, давлатимиз раҳбари вокзал инфратузилмаси, хизмат кўрсатиш сифати ва йўловчилар ҳаракатини самарали ташкил этиш масалаларига алоҳида эътибор қаратди.

Шундан сўнг Президент Шавкат Мирзиёев Бекобод шахридаги Ўзбекистон металлургия комбинатида барпо этилган янги Қуюв-прокатлаш мажмуасини ишга тушириш маросимида иштирок этди.

Давлатимиз раҳбари комбинат жамоаси, меҳнат фахрийлари ва хорижий ҳамкорларни ушбу муҳим воқеа билан табриклади.

Таъкидланганидек, сўнгги йилларда мамлакатимизда кон-металлургия соҳасини янги технологик босқичга олиб чиқиш бўйича кенг

қўламли ислоҳотлар амалга оширилмоқда.

Ўтган ўн йилда соҳага қарийб 2 миллиард доллар хорижий инвестиция жалб қилиниб, 31 та йирик ишлаб чиқариш қуввати ишга туширилди. Хусусий секторга кенг йўл очилгани натижасида тармоқда фаолият юритаётган корхоналарнинг сони 150 тадан ошди.

(Давоми 2-бетда).



Ўзбекистон Республикаси Президенти
Матбуот хизмати суратлари.

Сенат қўмитасида

МАҚСАД – ҲУЖЖАТЛАР ИЖРОСИНИ ТАЪМИНЛАШ



Олий Мажлис Сенатининг Бюджет ва иқтисодий масалалар қўмитасида қабул қилинган қонунлар ижросини таъминлаш юзасидан қонуности ҳужжатларининг ўз вақтида ишлаб чиқиши ҳамда амалиётга жорий этилиши масалалари муҳокама қилинди.

Хусусан, “Реклама тўғрисида”, “Рақобат тўғрисида”, “Ер участкаларини компенсация эвазига жамоат эҳтиёжлари учун олиб қўйиш тартиб-таомиллари тўғрисида”, “Тўловга қобилиятсизлик тўғрисида”, “Қўчмас мулкка бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказиш тўғрисида”, “Давлат мулкни бошқариш тўғрисида” ҳамда “Электрон тижорат тўғрисида”ги қонунлар ижросини таъминлаш учун қонуности ҳужжатларининг ўз вақтида қабул қилиниши юзасидан мониторинг амалга оширилди. ➡3

Оллоҳшукур ПОШШОЗОДА,
Кавказ мусулмонлари идораси раиси, шайхулислом,
Ўзбекистон Республикасининг «Эл-юрт ҳурмати» ордени соҳиби

ҲУРМАТ ВА ЭҲТИРОМ РАМЗИ

7 — 10 июль кунлари Ўзбекистонда ўтказилган Ислам цивилизацияси I Халқаро форумида иштирок этиш мен учун катта шараф бўлди. Форум доирасида турли мамлакатлардан келган олимлар, дин арбоблари ва мутахассисларнинг бир мақсад йўлида жам бўлганини кўриб, яна бир бор шунга ишондимки, илм ва маърифат инсониятни бирлаштирувчи энг қудратли кучдир.

Дил сўзи

Айниқса, Ўзбекистон Республикаси Президенти мухтарам Шавкат Мирзиёев билан бўлиб ўтган самимий мулоқот менда унутилмас таассурот қолдирди.

Сувбатимиз давомида миллиятлараро тотувлик, диний бағрикенгликни янада мустаҳкамлаш, ёшларни маънавий тарбиялаш, исломнинг

асл инсонпарварлик моҳиятини замонавий рақамли платформалар орқали кенг тарғиб қилиш масалалари хусусида фикр алмашдик. Бу ташаббуслар бугунги глобал дунё учун нихоятда долзарб.

Президент жанобларига Ўзбекистон ва Озарбайжон раҳбарларининг қардошлик ва иттифоқчилик муносабатларига бағишланган китобимни тўхфа қилиш мен учун

алоҳида мамнуният бахш этди. Чунки мазкур асар ҳам халқларимиз ўртасидаги ишонч ва дўстликнинг яна бир рамзидир.

Мен учун яна бир унутилмас воқеа — Ўзбекистон Республикасининг юксак давлат мукофоти — “Эл-юрт ҳурмати” ордени билан тақдирланганим бўлди.

Бу ордени шахсий хизматларимга берилган баҳо сифатида эмас, балки Озарбайжон ва Ўзбекистон халқлари ўртасидаги мустаҳкам қардошлик, ўзаро ҳурмат ва ишончга берилган юксак эътироф сифатида қабул қилдим. Дилм қувончга тўлди, ўзбек халқига меҳрим янада товвланиб кетди. ➡2

ДОЛЗАРБ ҚОНУН ЛОЙИҲАЛАРИ МУҲОКАМАСИ



Сиёсий партияларнинг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияларининг йиғилишлари бўлиб ўтди. Уларда мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётидаги муҳим воқеаликларга эътибор қаратилди, шунингдек, қўйи палатанинг навбатдаги мажлиси кун тартибига киритилиши режалаштирилаётган қатор қонун лойиҳалари кўриб чиқилди.

Фракциялар ҳаёти

Иқтисодий тараққиёт учун янги имкониятлар

Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси фракцияси йиғилишида дастлаб давлатимиз раҳбарининг 8-9 июль кунлари Беларусь Республикасида амалга оширган расмий ташрифи якунлари юзасидан фикр алмашилди. Фракция аъзолари музокара-

лар натижасида эришилган келишувлар Ўзбекистон ва Беларусь ўртасидаги стратегик шериклик муносабатларини янги босқичга олиб чиқиши, ўзаро манфаатли иқтисодий ҳамкорликни янада кенгайтиришига алоҳида урғу берди. ➡3

БЕКОБОД. МЕҲР ВА МЕТАЛЛ ТАЪРИФИДА

Фахр

Элдошларим иродаси темирдан,
Биз бирлашсак — буюк халқмиз, биргалашсак, биз — Ватан!

Бекободим, иродаси темир-бетон шахримсан,
Не-не ошиқ шоирларга орзу-армон шахримсан.

Ортга қайтмас ашштларинг зўр, қарвонларинг бор бўлсин,
Темир-метин иродали сарбонларинг бор бўлсин!

Тинч бўлсин деб дунё тун-кун дуо айлар оналар,
Мамлакатга металл керак милён-милён тонналар.

Она шахрим, шамолларинг бағринг аро кезган дам,
Шеърим билан шамол бўлиб эсим келар менинг ҳам.

Янги-янги уй-жойларга маҳалла-кўй тўлуғуси,
Бу темирлар кўркам, маҳкам иморатлар бўлуғуси.

Темир янглиғ, метин янглиғ яхлит бир жону танмиз,
Элдошларим, бир бўласак биз — бир халқу бир Ватанмиз!

Шоир, сен ҳам бу ҳаётни оташ шеърларга тўлди,
Металлургиянг шулдир! Металлургиянг шулдир!

Эгатларда қолиб кетган йилларимнинг қарзидай,
Маъданим деб, метиним деб фахрлансам арзғай.

Бизлар фарзанд ўстиргаймиз — муносиб, мутаносиб,
Ўғил — қизга муносибдир. Қиз — ўғлонга муносиб.

Ўғил-қизда келажакнинг жамолини кўргаймиз,
Бизлар Ватан ўстиргаймиз, бизлар Ватан кўргаймиз.

Ўйлайманки, бир сўзимни оғир олмас шоирлар:
Замон юкин енгиллатинг, қилманг уни оғирлар.

Кўз олдимда Вақт эмас, гуррос солиб ўтар Сўз,
Давр сендан Сўз қутмоқда, замон сендан қутар Сўз.

Бир юз ўн минг эл-улуснинг қўзларига тик қараб,
Шеърлар айтсанг, юзинг ёруғ — бу не толе, не шараф!

Сизникидир бу имконлар — ҳар бир ўғил-қизники,
Бу давронлар Сизникидир! Бу замонлар — Сизники!

Рақам урсам — сафларингиз ўттиз мингдан зиёда,
Шундай ўғил-қизларим бор доно, зукко, озода.

Темирданмиз, пўладданмиз, метиндан бир жону тан,
Биз бирлашсак — буюк халқмиз, биргалашсак — биз Ватан!

Эл номига келтирмоқ-чун рағбатлару раҳматлар,
Ҳали қанча меҳнат керак, ҳали қанча заҳматлар.

Қалбимг жўшар — ҳудди металл қайнаётган қўрадир,
Ватан сендан сўз сўрайдир, эл-улус сўз сўрайдир.

Қурол-яроғ ўйнаб турган қаттол дунё бир тараф,
Элни китоба қайтарган инсонларга шон-шараф!

Темирқанот жўжуқларинг бургут бўлсин, сор бўлсин,
Метин иродали марди майдонларинг бор бўлсин!

Янги шаҳар, Сирдарёдан нариёғи Хўжанддир,
Темурмалик полвон келса — бу тарихий ҳужжатдир.

Давру замон солномасин тарих ўзи баҳолар,
Бунда не-не чемпионлар ўсар, не-не даҳолар.

Темир янглиғ, метин янглиғ бизлар бир жону танмиз,
Элдошларим, биз бирлашсак — бир халқу бир Ватанмиз.

Темирданмиз, пўладданмиз, метинмиз — бир жон ва тан.
Биз бирлашсак — буюк халқмиз, биргалашсак, биз — Ватан!..

Сирожиiddин САЙИИД,
Ўзбекистон халқ шоири,
Олий Мажлис Сенати аъзоси.

ЁШ КИМЁГАРЛАР БЕЛЛАШУВИ



Пойтахтимиз яна бир катта анжуманга мезбонлик қилмоқда. Эллик саккизинчи Халқаро кимё олимпиадаси Марказий Осиё тарихида илк бор юртимизда бўлаётгани катта воқеа, албатта.

Мақтаб ўқувчилари ўртасида ўтказиладиган дунёдаги энг нуфузли интеллектуал мусобақалардан бири — “International Chemistry Olympiad (IChO) 2026” қарийб ўн кун давом этади. Мазкур беллашувда 90 дан ортиқ давлатлардан минг нафарга яқин ўқувчилар қатнашмоқда. ➡4

БЕКОБОДА ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН ИСЛОҲОТЛАРИ НАФАСИ

◀ (Давоми. Бошланиш 1-бетда).

Шу даврда маҳаллий металл маҳсулотлари ишлаб чиқаришнинг йиллик ҳажми 3 миллион тоннага, қиймати эса 23 триллион сўмга етди. Таққослаш учун 2016 йилда 1,5 триллион сўмлик 800 минг тонна маҳсулот ишлаб чиқарилган.

Илгари, асосан, қурилиш соҳаси учун металл прокат етказиб берган тармоқ бугунги кунда машинасозлик, электро-техника, мудофаа саноати ва энергетика каби тез ривожланаётган йўналишлар учун 80 турдаги янги маҳсулот ишлаб чиқармоқда.

Президентимиз металлурглар меҳнати Янги Ўзбекистоннинг замонавий қиёфасини яратиш, йирик бунёдкорлик ишларини амалга ошириш ва иқтисодиёт тармоқларини ривожлантиришда муҳим ўрин тутшини таъкидлади.

Мамлакатимиз иқтисодиётини технологик ва инновацион ўсиш моделига ўтказиш, ялпи ички маҳсулот ҳажмини 2030 йилга бориб, 240 миллиард долларга етказиш мақсад қилинган.

Келгуси беш йилда иқтисодиётга 180 миллиард доллар хорижий инвестиция жалб қилиш, 27 миллиард долларлик ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмаси лойиҳаларини амалга ошириш, 800 минг хонадонли кўп қаватли уй-жойлар барпо этиш режалаштирилган.

Бундай улкан марралар металл маҳсулотларига бўлган талабни ҳозиргига нисбатан 1,5 баробар оширади.

Шу маънода, 5,5 минг нафардан зиёд аҳил ва фидойи меҳнат жамоасига эга Ўзбекистон металлургия комбинатининг алоҳида ўрни борлиги қайд этилди.

Янги Қуюв-прокатлаш мажмуаси комбинатда энергия тежамкор технологиялар ва рақамли ечимларни жорий қилиш, меҳнат унумдорлиги ва маҳсулот сифатини оширишда янги даврни бошлаб беради.

Мазкур мажмуа мамлакатимизда иссиқ прокатланган пўлат листлар ишлаб чиқариш бўйича биринчи лойиҳа сифатида тарихдан жой олади.

Унинг ишга туширилиши натижасида йилгига 8 триллион сўмлик 1 миллион тонна иссиқ прокатланган пўлат лист ишлаб чиқарилади. Тошкент ва Самарқанд металлургия заводларининг прокат листларга бўлган эҳтиёжи тўлиқ қопланади. Шунингдек, 1 минг 200 та юқори даромадли иш ўрни яратилади.

Давлатимиз раҳбари мажмуани барпо этишда иштирок этган қурувчи ва муҳандислар, технолог ва машинистлар, ишчи-ҳодимлар, меҳнат фахрийлари ҳамда хорижий ҳамкорларга миннатдорлик билдириди.

Тантанали маросимда Ўзбекистон металлургия комбинатини янада ривожлантириш бўйича келгуси режалар ҳам белгилаб берилди.

Комбинатнинг хомашёга бўлган талабини маҳаллий ресурслар ҳисобидан таъминлаш энг устувор вазифа бўлиши таъкидланди. Мамлакатимиз ҳудудларида 1,5 миллиард тонна темир рудаси захираси мавжуд.

Яқин уч-тўрт йилда “Тебинбулоқ” конини ишга тушириш орқали йилгига 1 миллион тонна пўлат ишлаб чиқариш режалаштирилган.

“Сурун-ота” конидаги маъданларни бойитиш натижасида эса йилгига

600 минг тонна темир хомашёси олиш йўлга қўйилади. Ушбу хомашёни қайта ишлаш учун комбинатда қиймати 180 миллион долларлик замонавий металлургия заводи қурилиши бошланади.

Келгуси уч йилда 30 миллион доллар инвестиция ҳисобига пўлат шарлар ишлаб чиқариш линиялари босқичма-босқич модернизация қилиниб, уларнинг қуввати 250 минг тоннадан 500 минг тоннагача оширилади.

Жорий йилнинг ўзида мазкур саноат паркида катта диаметрли қувурлар, кўтарма кранлар ва фильтрлаш ускуналарини ишлаб чиқариш бўйича умумий қиймати 70 миллион доллар бўлган 6 та лойиҳа бошланади. Уларнинг амалга оширилиши натижасида яна 660 та юқори даромадли иш ўрни яратилади.

Президентимиз металлургия оғир, аммо шарафли соҳа эканини таъкидлаб, комбинат ишчи-ҳодимларининг машаққатли ва фидойи меҳнати юксак ҳурмат ҳамда таҳсинга сазоворлигини қайд этди.

Салкам бир асрлик тарихга эга комбинатда “Устоз — шогирд” аънаси асосида фаолият юритаётган мутахассисларнинг билими, тажрибаси ва касбий салоҳияти кўплаб меҳнат жамоалари учун чинакам намуна экани таъкидланди.

Шундан сўнг давлатимиз раҳбари рамзий тугмани босиб, Қуюв-прокатлаш мажмуаси фаолиятига старт берди.

Соҳа фахрийлари, комбинат ходимлари ҳамда хорижий ҳамкорлар билан мулоқот қилинди.

Президент Шавкат Мирзиёев Ўзбекистон металлургия комбинати Қуюв-прокатлаш мажмуасининг ягона бошқарув пулти орқали металлни прокатлаш жараёнларини кўздан кечирди.

Кейинги йилларда комбинатни модернизация қилиш ва унинг ишлаб чиқариш салоҳиятини оширишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Натижада комбинатнинг соф фойдаси 2017 йилдаги 14 миллион доллардан 2025 йилга келиб 23 миллион долларга етган.

Давлатимиз раҳбари 2018 йил 29 август куни Бекободга ташрифи чоғида Қуюв-прокатлаш мажмуаси қурилиши лойиҳасига тамал тошини қўйган эди.

Лойиҳанинг умумий қиймати 839 миллион долларни ташкил этади. 18 гектар майдонда барпо этилган мазкур стратегик аҳамиятга эга мажмуа мамлакатимизда метали маҳсулотларига бўлган эҳтиёжни қондиришга хизмат қилади.

Бу ерда маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини 2 миллион тоннага етказиш, қўшимча равишда 1,04 миллион тонна ўрамли пўлат лист прокати ишлаб чиқариш ва комбинатдаги жами иш ўринларини 7 мингтага етказиш режалаштирилган.

Мажмуада Италиянинг “Danieli” компанияси тажрибаси асосида илк бор узлуксиз пўлат қуйиш ускунаси бошқа барча технологик жиҳозлар билан интеграция қилиниб, ягона бошқарув пулти орқали бошқарилмоқда.

Аввалги технологияларда 4-5 та бошқарув пултидан фойдаланилган ва уларда 9 нафар ходим меҳнат қилган бўлса, бугунги кунда ягона бошқарув тизими орқали жараёни атиги

3 нафар мутахассис назорат қияпти.

Президентимиз ягона бошқарув тизимига сунъий интеллект технологияларини жорий этиб, мажмуанинг барқарорлиги ва иқтисодий самарадорлигини янада ошириш зарурлигини таъкидлади.

Ускуналарнинг хавфсизлиги ва тезкорлиги бўйича мазкур мажмуа Марказий Осиёда ўзига хос ва муқобили йўқ лойиҳа ҳисобланади. Хусусан, ишлаб чиқариш жараёнини тўхтатмаган ҳолда инсон омили иштирокисиз асосий валларни аввалги 30 — 40 дақиқа ўрнига атиги 5 — 7 дақиқада автоматик равишда алмаштириш имконияти яратилган.

Президентимиз лист прокатидан тайёрланган маҳсулотларнинг намуналарини ҳам кўздан кечирди.

Мутасаддиларнинг ахборотлари ҳам тингланди. Хусусан, иссиқ прокатланган лист маҳсулотлари қўшилган қиймат занжирини, республикада ишлаб чиқаришни ўзлаштириш тавсия этиладиган маҳсулотлар хусусида ахборот берилди.

Қурилишда арматура маҳсулотининг муомаласини тартибга солиш, қурилиш объекларида қора металл прокатининг қўлланилиши устидан назорат ва сейсмик хавфни камайтириш бўйича амалий ишлар тушунтирилди.

Шу ерда Президент Шавкат Мирзиёев Ўзбекистон металлургия комбинатида қора металлургия саноатини янги босқичга олиб чиқиш бўйича устувор вазифалар юзасидан йиғилиш ўтказди.

Давлатимиз раҳбари қора металлургия қурилиш, қурилиш материаллари, автомобилсозлик, энергетика ва электротехника каби жами 50 миллиард долларлик иқтисодиёт тармоқлари учун асосий хомашёлардан бири эканини таъкидлади.

Иқтисодиётни технологик ва инновацион ўсиш моделига ўтказиб, ялпи ички маҳсулотни 2030 йилда 240 миллиард долларга етказиш учун йилгига камида 8-9 фоизли ўсишни таъминлаш зарур. Мазкур жараёнда металлургия саноати барқарор хомашё базаси, рақобатбардор маҳсулот ва замонавий технологияларга таяниши шарт.

Шу билан бирга, соҳада импортга боғлиқлик, таннарх ва энергия сарфининг юқорилиги, рақамлаштириш ва сунъий интеллектни жорий қилиш бўйича натижалар етарли эмаслиги кўрсатиб ўтилди. Жаҳондаги зиддиятлар ва асосий транспорт йўлақларидаги логистика муаммолари шароитида айна масалалар янада долзарб аҳамият касб этаётгани қайд этилди.

Сўнгги ўн йилда мамлакатимизда пўлат лист, навли прокат, қувурлар ва металл конструкцияларга эҳтиёж 3 қарра ортиб, 5,5 миллион тоннага етди. Янги қурилаётган атом электр станцияси, Тўртинчи мис бойитиш фабрикаси ва янги мис эритиш заводининг ўзига 2,5 миллион тоннага яқин пўлат лист ва арматура керак бўлади.

Келгуси беш йилда 180 миллиард долларлик янги қувватлар ишга туширилади, 27 миллиард долларлик инфратузилма лойиҳалари амалга оширилиб, 800 минг хонадонли кўп қаватли уй-жойлар барпо этилади. Бунинг натижасида металл маҳсулотларига йиллик эҳтиёж 2030 йилгача 1,5 баробар кўнайиб, 8 миллион тоннадан ошади.

Бугунги кунда Бекобод металлургия комбинати металл прокатнинг 40 фоизини иккиламчи металлдан, 60 фоизини импорт ҳисобидан ишлаб чиқармоқда. Республика бўйича ҳар йили 700 минг тонна қора металллом комбинатга топширилаётган бўлса-да, яна 500 минг тонна металллом хуфиёна айланмада қолмоқда.

Шу боис қора металл айланмаси билан боғлиқ барча жараёнлар электрон платформа орқали реал вақт режимида мониторинг қилинади. Соҳада соғлом рақобат муҳити ва нарх барқарорлигини таъминлаш, таъсирчан назорат механизмларини ўрнатиш учун Ҳукуматда алоҳида Лойиҳа офиси ташкил этилади. 1 августдан “Е-лом” электрон платформасини ишга тушириб, қора металл айланмасини назоратга олиш топширилди.

Мамлакатимизда 1,5 миллиард тонна темир руда захираси мавжуд. “Сурун-ота” конидан йилгига 650 минг тонна темир хомашёсини олиш бўйича хитойлик ҳамкорлар билан келишувга эришилган. Шунингдек, “Тебинбулоқ” конини ишга тушириш орқали йилгига 1 миллион тонна пўлат ишлаб чиқариш имкони яратилиши, Тожикистон металлургия комбинатидан йилгига 700 минг тонна темир хомашёсини олиб келиш бўйича шартномани расмийлаштиришни тезлаштириш зарурлиги кўрсатиб ўтилди.

Йирик хусусий корхоналар геология-қидирув ишлари, конлардан хомашё қазиб олиш ва тайёр маҳсулотгача бўлган тўлиқ технологик занжирни ташкил этишга тайёр экани таъкидланиб, бунинг учун уларга шароит яратиш зарурлиги қайд этилди.

Давлатимиз раҳбари темир сифатини ошириш учун марганец ва ферросилиций хомашёсига ҳам талаб ортишини таъкидлади. Мутасаддиларга истиқболли майдонларни сунъий интеллект ёрдамида таҳлил қилиб, темир ва уни бойитишга зарур минераллар захирасини кўпайтириш бўйича геология дастурини ишлаб чиқиш топширилди.

Металлургия соҳасида 150 га яқин ўрта ва кичик хусусий корхоналар фаолият юритмоқда. Уларни хомашё билан барқарор таъминлаш мақсадида четдан хомашёни марказлашган ҳолда олиб келиш бўйича алоҳида компания ташкил этилади. Ушбу компанияга 200 миллион доллар ажратилди, импорт хомашё фақат биржа орқали сотилади.

Йиғилишда металл маҳсулотлари ассортиментини кенгайтириш, йирик комбинатлар ва хусусий корхоналар ўртасида кооперацияни кучайтириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

Бугун ишга туширилган Қуюв-прокатлаш мажмуаси ҳисобига автомобилсозлик, махсус транспорт, технологик ускуналар, машиий ва қишлоқ хўжалиги техникалари, қурилиш материаллари соҳаларида 1,5 миллиард долларлик маҳсулотларни ўзимизда ишлаб чиқариш имконияти яратилмоқда.

Мутасаддиларга чоксиз қувур, совуқ прокат, металлни “3D” усулда босиб чиқариш ва юқори аниқликда ишлов бериш бўйича лойиҳалар тўпламини тайёрлаш топширилди.

Бекобод металлургия комбинатидаги 90 гектар майдонда тайёр инфрату-

зилмага эга “Ўзбекистон экологик технологиялар саноат парки” ташкил этилади. У ерда қора металлар бўйича “R&D” маркази ва халқаро сертификат берадиган замонавий лаборатория ишга туширилади.

Шунингдек, Самарқанд, Жиззах, Наманган ва Сирдарёдаги йирик металлургия корхоналари атрофида жами 100 миллион долларлик кооперация лойиҳалари дастурини ишлаб чиқиш вазифаси қўйилди. Бу ҳудудларда қўшилган қиймат занжирини кенгайтириш ва янги маҳсулотларни маҳаллийлаштиришга хизмат қилади.

Йиғилишда металлургия саноатида рақамлаштириш ва сунъий интеллектни жорий этиш масаласи ҳам муҳокама қилинди. Олмалиқ кон-металлургия комбинатида сунъий интеллект орқали операцион харажатлар, таннарх ва энергия сарфини камайтириш, меҳнат унумдорлигини ошириш бўйича натижалар борлиги қайд этилди.

Металлургия корхоналарида сунъий интеллект ва рақамлаштириш орқали ускуналардан фойдаланиш самарадорлигини 20 фоизга ошириш, таннархни 10 фоиз, энергия сарфини 15 фоиз, техник хизмат харажати ва технологик узилишларни 20 фоизга қисқартириш бўйича дастур ишлаб чиқилади.

Металлургия саноатига “ақл маркази” сифатида Иқтисодий тадқиқотлар ва ислохотлар маркази белгиланди. Шунингдек, соҳага Навоий ва Олмалиқ кон-металлургия комбинатларининг илмий марказлари, Ўзбекистон технологик металлар комбинатининг “Ўзбекистон — Корея” илмий-технологик маркази, Тошкент давлат техника университети, Навоий давлат кончилик ва технологиялар университети, Олмалиқ давлат техника институтини ҳамда “Москва пўлат ва қотишмалар институти”нинг Олмалиқ филиали бириктирилди.

Ушбу илмий муассасалар ва олий-гоҳлар янги турдаги материалларга талабни, уни қоплаш учун қайси ҳудудда қандай лойиҳа қилиш ва қандай технологиядан фойдаланиш зарурлигини, қайси йўналишларда кадр тайёрлаш кераклигини таҳлил қилади. Ҳар бир ҳудуд кесимида бир йиллик, уч йиллик ва беш йиллик дастурлар ишлаб чиқилади.

Янги ўқув йилидан Бекобод комбинатида қора металлургия бўйича кафедра очилиб, дуал таълим йўлга қўйилади.

Иқтисодий тадқиқотлар ва ислохотлар марказига металлургия соҳасидаги муаммоларни бир жойга жамлайдиган рақамли платформани ишга тушириш топширилди. Илмий ишланмаларни молиялаштириш ва амалиётда жорий қилиш бўйича венчур фонд ташкил этилади.

Давлатимиз раҳбари соҳада “технологик сакраш” қилиш зарурлигини таъкидлаб, қора металлургияда хомашё базасини кенгайтириш, импортга қарамакчи камайтириш, рақамлаштириш ва сунъий интеллектни кенг жорий этиш, янги маҳсулотларни маҳаллийлаштириш ҳамда хусусий сектор билан кооперацияни кучайтиришни асосий вазифалар сифатида белгилаб берди.

Йиғилишда соҳа мутасаддилари ва ҳудудлар раҳбарларининг ҳисоботлари тингланди.

Президент Шавкат Мирзиёев

Бекобод шахрига ташрифи давомида “Хос ёз” канали бўйи ва Дўстлик маҳалласида амалга оширилган бунёдкорлик ишлари билан ҳам танишди.

Бир пайтлар эътибордан четда қолган, қаровсиз ва тартибсиз бўлган “Хос ёз” каналининг бўйи бугун шахарнинг энг гўзал гўшасига айланди. Эндиликда маҳаллалар яқинида барча қўлайликларга эга замонавий экологик макон пайдо бўлди.

Худудни комплекс ривожлантириш бўйича мастер-режа доирасида 3 километр узунликда махсус пиедалар йўлагини ва 5,4 километрлик мустаҳкам тўсиқлар қурилди, 2 та кўприк қад ростлади. Шунингдек, лойиҳа натижасида соҳил бўйида 27 та янги савдо ва замонавий хизмат кўрсатиш объекти ташкил этилиб, 167 та янги доимий иш ўрни яратилди.

Давлатимиз раҳбари бу ерда спорт билан шугулланаётган ёшлар билан суҳбатлашди.

Дўстлик маҳалласи ҳудуди ҳозир 28 гектарни ташкил этади. Бу ерда 33 та кўп қаватли уй, хусусий мактабгача таълим ташкилоти, футбол майдони, 16 та спорт ва болалар майдончаси ҳамда кутубхона мавжуд.

Жорий йилда тadbиркорлар томонидан 1,1 миллиард сўм инвестиция киритилиб, 10 та хизмат кўрсатиш объекти ва 1 та умумий овқатланиш шохбачаси ташкил этилди. Натижада 25 та иш ўрни яратилди. Шунингдек, ташаббускорлар маблағлари ҳисобидан “Ватанпарвар боғи” ҳам барпо қилинди. Унда ҳарбий-техника намуналари ўрнатилиб, хизмат кўрсатиш объектлари қурилди.

“Ташаббусли бюджет” маблағлари ҳисобидан маҳалла ҳудудида Бекобод шахри музейи ташкил этилди. Маҳаллада нурунийлар ва меҳнат фахрийларининг дам олиши, учрашувлар, давра суҳбатлари ҳамда маънавий-маърифий тadbирлар ўтказиш учун ёғоч конструкцияли ёғзи шийпон қад ростлади.

Давлатимиз раҳбари маҳалладаги бунёдкорлик ишларини кўздан кечириб, аҳоли учун яратилган шароитлар билан танишди. Маҳалла фаоллари ва меҳнат фахрийлари билан самимий мулоқот қилди.

— Барча амалга ошираётган ишларимиз, барпо этилаётган объектларимиз ва лойиҳаларимиз, аввало, аҳолига хизмат қилиши, инсонлар ҳаётини яхшилаши керак. Одамлар ўз маҳалласида, шахрида кечаётган ўзгаришларни ҳис қилиши, уларнинг самарасини кундалик ҳаётида кўриши керак.

Хар сафар ҳудудларга келганимизда инсонлар Янги Ўзбекистон ислохотларининг нафасини, унинг янгилиниш ва тараққиёт шабодасини ҳис этиши зарур. Бекобод шахри ҳам ўзининг меҳнаткаш ва фидойи аҳолиси, иқтидорли ёшлари, ҳаёт тажрибасига эга нурунийлари билан янада обод ва тараққий этган масканга айланиши керак.

Биз ёшларимизнинг орзу-интилишлари, нурунийларимизнинг эзгу ният ва мақсадлари рўёбга чиқиши учун барча имкониятларни сафарбар этамиз, — деди Президентимиз.

Шу билан Президентимизнинг Бекободга сафари якунланди.

Зиёдулла ЖОНИБЕКОВ,
Икром АВАЛБОВЕ,
Бекхуз ХУДОЙБЕРДИЕВ,
Марҳабо ҲОЖИЯКБАРОВА,
Абдулғазиз МУСАЕВ,
Ўза махсус мухбирлари.

ҲУРМАТ ВА ЭҲТИРОМ РАМЗИ

◀1 Инсон ҳаётида ўзининг туғилиб ўсган Ватанидан ташқари унинг қалбида чексиз меҳр-муҳаббат уйғота олган дилбар гўшалар бўлади. Мен учун Ўзбекистон ана шундай муқаддас ва азиз маскандир. Шу боис мен бу юртни ҳар доим чин дилдан “иккинчи Ватаним” деб атайман. Бу шунчаки эҳтиром ёки дипломатик мулозамат эмас. Бу қалб амри, ҳаётим давомида ортирдаган бой таассуротларимнинг самимий ифодасидир.

Ёшлик йилларим Ўзбекистон билан боғланган. Мен бу заминда — Тошкентда, Бухорода таҳсил олдим, устозларимдан билим, тажриба ўргандим, бу ўлканинг бой тарихи, илмий муҳити ва меҳрибон одамлари билан яқиндан танишдим.

Уша йиллардаёқ, бу диёр нафақат Марказий Осиёнинг, балки бутун мусулмон оламининг маънавий марказларидан бири эканини англаганман.

Асрлар давомида Имом Бухорий, Имом Термизий, Имом Мотуридий, Баҳоуддин Нақшбанд, Мирзо Улугбек, Алишер Навоий каби улуг алломалар инсоният тафаккурига беқиёс ҳисса қўшдилар. Уларнинг асарлари вақт ва макон чегарасини билмайди. Улар бугун ҳам инсонни эзгуликка, илмга, бағрикенгликка ва адолатга чорлайди.



Улар ҳам бутун мусулмон цивилизациясининг умумий маънавий бойлигидир.

Менимча, бугунги куннинг энг муҳим вазифаларидан бири — ана шу буюк аждодларимизнинг меросини музейлар ёки китоб жавонларига сақлаш эмас, балки уларнинг гоғларини ёшлар онгига сингдириш, уларни ҳаёт мактабига айлантириш. Зеро, илм, маърифат ва маънавиятга таянган жамиятгина барқарор тараққиётга эриша олади.

Шу нуқтаи назардан қараганда, Президент Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан барпо этилган Ўзбекистондаги Ислон цивилизацияси маркази беқиёс аҳамиятга эга. Мен мазкур марказ билан танишар эканман, уни мусулмон оламининг умумий маънавий хотираси муҷассам бўлган муқаддас илм даргоҳи сифатида қабул қилдим.

Худди шундай, Озарбайжон замини ҳам Низомий Ганжавий, Муҳаммад Фузүлий, Имомаддин Насимий, Саййид Азим Ширвоний, Яхё Боқувий каби буюк мутафаккирларни етатиқрилган.

Унинг номи Ислон цивилизацияси маркази бўлса-да, мазмуни анча кенгдир. Бу ерда дин ҳам, илм ҳам, маданият ҳам, тарих ҳам, миллатлар ўртасидаги ҳамжиҳатлик гоғси ҳам муҷассам. Бу ерда буюк алломалар мероси орқали инсонларни бирлаштирувчи умуминсоний қадриятлар тарғиб қилинади.

Ишончим комилки, ушбу марказ келгуси йилларда нафақат Ўзбекистон, балки бутун мусулмон дунёси олимлари, тадқиқотчилари ва ёшлари учун муҳим илмий-маърифий марказга айланади.

Бугун Ўзбекистон ҳақида гап кетганда, мен нафақат унинг бой тарихи ёки буюк алломаларини, балки мамлакатингизда амалга оширилаётган янги тараққиёт сиёсатини ҳам юксак баҳолайман.

Миллий лидеримиз, мархум Ҳайдар Алиев қардош Ўзбекистонга жуда катта эътибор ва муҳаббат билан қараган. Икки мамлакат ўртасидаги тарихий алоқаларнинг давомийлигини сақлашда катта ҳисса қўшган. Бугун ана шу шарафли ишни Илҳом Алиев жаноблари муваффақиятли давом эттириб келмоқда.

Бугун ҳеч иккиланмасдан айтиш мумкинки, Президент Шавкат Мирзиёев раҳбарлигида Ўзбекистон очкиқлик, ўзаро ҳурмат ва яхши қўшничилик тамойилларига асосланган ташки

сиёсатни изчил амалга оширмоқда. Бу сиёсат нафақат Марказий Осиё, балки бутун туркий дунё учун ҳам муҳим аҳамият касб этмоқда.

Озарбайжон халқи бунинг амалий самарасини энг оғир қунарида ҳис қилди. Қорабоғ уруши йилларида Ўзбекистон ҳамisha ҳақиқат ва адолат томонида турди. Мамлакатингиз Озарбайжоннинг халқаро эътироф этилган ҳудудий яхлитлигини қатъий қўллаб-қувватлади. Биз учун бу жуда муҳим маънавий таянч бўлди. Чунки оғир синовлар инсонга ҳақиқий дўст ким эканини кўрсатади.

Урушдан кейин Қорабоғни қайта тиклаш ишларида ҳам Ўзбекистон амалий ёрдами аямасди. Фузулий шахрида Шавкат Мирзиёев Жаноби Олийлари ташаббуси билан қурилган Мирзо Улугбек номидаги замонавий умумтаълим мактаби халқларимиз ўртасидаги қардошлиқнинг ёрқин рамзига айланди.

Ўзбекистон раҳбарининг Қорабоққа ташрифи, озод этилган ҳудудларда бўлиб, қайта қурилиш ишлари билан танишгани, Шушага боргани бутун Озарбайжон халқи қалбида катта мамнуният уйғотди. Бу ташриф нафақат икки давлат ўртасидаги муносабатларнинг юксак даражасини, балки халқларимиз тақдирини ва келажагини муштарак эканини бутун дунёга яна бир бор намоён қилди.

Бугун Озарбайжон Президенти Илҳом Алиев ва Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев ўртасида қарор топган самимий дўстлик ва ўзаро ишонч икки давлат муносабатларини стратегик шерикликнинг янги босқичига олиб чиқди. Бу муносабатлар иқтисодиёт, транспорт, энергетика ёки савдо билангина чекланмайди. Биз илм-фан, маданият, маънавият ва диний-маърифий соҳаларда ҳам тобора яқинлашиб бормоқдамиз.

Туркий давлатлар ташкилоти доирасидаги ҳамкорлик, диний раҳбарларнинг мун

МАҚСАД – ҲУЖЖАТЛАР ИЖРОСИНИ ТАЪМИНЛАШ



Кўмита аъзолари таъкидлаганидек, қонунларнинг амалиётда тўлиқ ва самарали татбиқ этилиши уларнинг ижроси учун зарур бўлган қонуности норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг ўз вақтида, сифатли ишлаб чиқилишига бевосита боғлиқ.

Ушбу ҳужжатларнинг ўз вақтида жорий этилмаслиги ижро таъкилотлари ва тадбиркорлар ўртасида турлича талқин ҳамда ёндашувларни келтириб чиқаради, натижада қонун ҳужжатлари-

да ҳуқуқий бўшлиқлар юзга келади. Сенаторлар ўз чиқишларида қонунларнинг ижросини таъминловчи қонуности норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқиш ва қабул қилиш муддатларига қатъий риоя этилишини таъминлаш, бу борада тизимли назоратни кучайтириш долзарб вазифа эканини таъкидлади.

Муҳокамадаги масала юзасидан кўмитанинг тегишли қарори қабул қилинди.

МАҲАЛЛИЙ КЕНГАШЛАР: МАСЪУЛИЯТ ВА НАТИЖА

Олий Мажлис Сенати томонидан халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари доимий комиссиялари аъзоларининг касбий салоҳиятини юксалтириш, қонунчилик соҳасидаги янгиликлардан хабардорлигини ошириш ҳамда доимий комиссияларнинг Сенат кўмиталари билан амалий ҳамкорлигини янада ривожлантиришга қаратилган ўқув семинарлари ва тадбирлар ташкил этиляпти.

Учрашув

Шу мақсадда халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашлари доимий комиссиялари аъзолари Сенат кўмиталари фаолияти билан ақиндан танишмоқда.

Айни кунларда халқ депутатлари Жиззах вилояти Кенгаши котибияти ходимлари Сенатнинг Худудий вакиллик органлари фаолиятини ўрганиш марказида амалий тажриба ўтамоқда.

Амалий машғулотлар давомида Сенат кўмиталари ҳамда марказ фаолиятининг асосий йўналишлари билан таништирилиб, маҳаллий вакиллик органлари фаолияти самардорлигини ошириш, ҳудудларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишига доир масалаларни ҳал этишда маҳаллий Кенгашларнинг иштирокини кучайтириш юзасидан фикр алмашилди.

Шунингдек, қонун ижодкорлиги жараёнида маҳаллий Кенгашлар депутат-

ларининг иштирокини кенгайтириш, уларнинг таклиф ва мулоҳазаларини инобатга олиш, қабул қилинаётган қонун ҳужжатларида ҳудудларнинг ўзига хос хусусиятлари ҳамда мавжуд имкониятларини акс эттиришга оид амалий кўникмалар мустаҳкамланди.

Бундан ташқари, депутатларнинг Маҳаллий ҳокимият вакиллик органлари фаолиятини кучайтиришга кўмаклашувчи комиссия раиси Анвар Тўйчиев билан учрашуви ҳам бўлиб ўтди.

Тадбирда маҳаллий Кенгашлар ва уларнинг доимий комиссиялари фаолиятини янада такомиллаштириш, Сенат кўмиталари ҳамда маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ўртасидаги ўзаро ҳамкорликни мустаҳкамлаш, шунингдек, маҳаллий ижро ҳокимияти органлари фаолияти устидан парламент назорати самарадорлигини ошириш масалалари муҳокама қилинди.

Ўрганиш

«ҚИЗИЛ» ТОИФАДАГИ МАҲАЛЛАЛАРГА АЛОҲИДА ЁНДАШУВ

Олий Мажлис Сенатининг Суд-ҳуқуқ масалалари ва коррупцияга қарши курашиш кўмитаси раиси Абдулҳаким Эшмуратов Тошкент шаҳрининг Яшнобод туманида ҳуқуқ-тартиботни таъминлаш, жиноятчиликнинг олдини олиш ва ижтимоий профилактика ишларининг амалдаги ҳолати билан танишди.

Ўрганишлар давомида жиноятчилик даражаси юқори бўлган, “қизил” тоифадаги Авиасозлар, Арғин ва Жар-қўрғон маҳаллаларидаги вазият атрофлича таҳлилга тортилди. “Маҳалла еттичилиги” фаолияти, муаммоларни ўз вақтида аниқлаш ва ечимлари механизми, ҳуқуқбузарлик содир этиш хавфи юқори бўлган шахслар билан профилактик ишларни ташкил қилиш ҳамда ижтимоий ёрдамга муҳтож оилаларни қўллаб-қувватлаш борасидаги амалий ишлар кўздан кечирилди.

Шу билан бирга, профилактика инспекторлари, маҳалла вакиллари ҳамда тегишли давлат органлари ўртасидаги ҳамкорлик қий даражада самара бераётгани, жиноятчиликка сабаб бўлаётган омиллари бартараф этиш юзасидан кўрилаётган чоралар ҳам баҳоланди.

Яширин иқтисодийётни қисқартириш, тадбиркорлик учун қўлай муҳит яратиш, солиқ ва бошқа мажбурий тўловларнинг шаффофлигини таъминлаш, иқтисодий жараёнларни рақамлаштириш бўйича амалга оширилаётган ишлар ҳам таҳлил қилинди. Давлат органлари ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият фаолиятида рақамли технологиялардан фойдаланиш даражаси, аҳоли мурожаатларини кўриб чиқиш тизими ҳамда муаммоларга тезкор ечим топиш механизмларининг самарадорлигига ҳам алоҳида эътибор қаратилди.

Ўрганишлардан сўнг Сенатнинг Суд-ҳуқуқ масалалари ва коррупция-

га қарши курашиш кўмитаси ҳамда халқ депутатлари Яшнобод тумани Кенгашининг кўшма мажлиси бўлиб ўтди. Унда туман ички ишлар органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бошқармаси бошлиғи, туман прокурори ҳамда қатор ташкилотлар раҳбарларининг ахборотлари эшитилди.

Йиғилишда амалга оширилган ижобий ишлар билан биргаликда йўл қўйилган камчиликларга ҳам алоҳида эътибор қаратилди. Хусусан, туманда жорий йилнинг олти ойи давомида қайд этилган 686 та жиноятнинг 295 тасини олдини олиш мумкин бўлган жиноятлар ташкил қилган. 67 та маҳалланинг 25 таси “яшил”, 39 таси “сарик” ва 3 таси “қизил” тоифада баҳоланган.

Жиноятчилик ҳамда яширин иқтисодиётнинг олдини олиш мақсадида 4 та тезкор гуруҳ томонидан “Маҳалла еттичилиги” билан 120 та учрашув ўтказилган, жамоат жойларида 658 та кузатув камераси ўрнатилган, аҳолини иш билан таъминлаш мақсадида 4 марта меҳнат ярмаркаси ўтказилган, “Авиасозлар” ва “Янгиобод” бозорларида 1 580 та савдо растаси ва 779 та дўкон “Click” тизимига уланган, туманда ҳуқуқий ахборот боти ишга туширилган.

Тадбирда давлат органлари ва ташкилотларига келгусида амалга оширилиши лозим бўлган ишлар юзасидан тегишли тавсиялар берилди.

Муҳокама якунида кўшма қарор қабул қилинди.

«Халқ сўзи».

ДОЛЗАРБ ҚОНУН ЛОЙИҲАЛАРИ МУҲОКАМАСИ

Йиғилишда, шунингдек, “Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларида қурилиш тугалланмаган кўп квартиралы уйларда ноқонуний яшашнинг олдини олишга қаратилган кўшимча ва ўзгартаришлар киритиш тўғрисида”ги қонун лойиҳаси муҳокама қилинди.

Фракция аъзоларининг фикрича, мазкур қонун лойиҳаси инсон ҳаёти ва саломатлигини муҳофаза этиш, қурилиш соҳасида қонунийликни таъминлаш ҳамда масъулиятни янада кучайтиришга қаратилган муҳим ҳужжат ҳисобланади.



Қонун лойиҳаси билан қурилиш тугалланмаган кўп квартиралы уйларга аҳолини ноқонуний жойлаштирганлик учун тўғридан-тўғри жиноий жавобгарлик белгиланиши назарда тутилмоқда. Бу қурилиш жараёнида хавфсизлик талабларига қатъий амал қилинишини таъминлаш, фуқароларнинг ҳаёти ва соғлиғини ишончли муҳофаза этишга хизмат қилади.

Йиғилишда қурилиш соҳасида очиклик, қонунийлик ва жавобгарликни таъминлаш, фуқароларнинг қонуний ҳуқуқ ҳамда манфаатлари ҳимояси бугунги кунда долзарб масалалардан экани таъкидланиб, қонун лойиҳаси фракция аъзолари томонидан қўллаб-қувватланди.

Миллат генофондини асраш — устувор мақсад

“Миллий тикланиш” демократик партияси фракцияси йиғилишида “Ўзбекистон Республикасининг Жиноят, Жиноят-процессуал кодекслари ва Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига прекурсорларнинг қонунга хилоф муомаласи учун жавобгарлик белгиланган қаратилган ўзгартариш ва кўшимчалар киритиш тўғрисида”ги қонун лойиҳаси муҳокама қилинди.

Лойиҳа ташаббускорларининг таъкидлашича, кейинги йилларда гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар, уларнинг аналоглари ҳамда кучли таъсир қилувчи моддаларнинг ноқонуний муомаласи билан боғлиқ ҳуқуқбузарликлар сони ортиб бормоқда. Хусусан, сўнгги беш йилда республикада аниқланган наркожиноятлар 2,5 баравар, ноқонуний муомаладан олинган гиёҳвандлик воситалари ҳажми эса икки баравар кўпайган.

Муҳокамада яширин нарколабораторияларда синтетик гиёҳвандлик во-

ситаларини тайёрлашда фойдаланилаётган прекурсорларнинг ноқонуний муомаласи учун жавобгарлик белгиланмагани ҳуқуқий бўшлиқни юзга келтираётгани таъкидланди. Бу эса айрим шахсларнинг жавобгарликдан четда қолишига ва ноқонуний фаолиятини давом эттиришига сабаб бўлаётгани айtilди.

Қонун лойиҳаси билан прекурсорларнинг қонунга хилоф муомаласи учун маъмурий ва жиноий жавобгарлик белгиланган, шу орқали синтетик гиёҳвандлик воситалари ишлаб чиқарилишига қарши курашиш самарадорлигини ошириш назарда тутилмоқда.

Фракция аъзолари ушбу қонун лойиҳасининг қабул қилиниши наркожиноятларга қарши курашиш самарадорлигини ошириш ҳамда миллат генофондига таҳдид солувчи омилларга қарши ҳуқуқий механизмларни янада кучайтиришга хизмат қилишини таъкидлади.

Муҳокама якунида депутатлар қонун лойиҳасини қўллаб-қувватлади.

Прекурсорлар муомаласига оид қондаларни бузганлик учун жавобгарлик белгиланмоқда

“Адолат” социал-демократик партияси фракцияси йиғилишида прекурсорларнинг қонунга хилоф муомаласи учун жавобгарлик белгиланган қаратилган қонун лойиҳаси кўриб чиқилди.

Таъкидланганидек, мамлакатимизда гиёҳвандлик ва уюшган наркожиноятчиликка қарши курашиш билан боғлиқ фаолиятни сифат жиҳатдан янги босқичга олиб чиқиш орқали аҳолининг, биринчи навбатда, ёшларнинг саломатлигини ҳамда миллат генофондини самарали ҳимоя қилиш бўйича кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда.

Шу билан бирга, ғайриқонуний нарколабораторияларда прекурсорлардан фойдаланган ҳолда синтетик гиёҳвандлик воситаларини тайёрлаш ва тарқатишга қарши курашиш самарадорлигини ошириш, прекурсорларнинг қонунга хилоф муомаласининг олдини олиш соҳада ҳуқуқий механизмларни янада такомиллаштиришни талаб этмоқда.

Шундан келиб чиқиб, Жиноят, Жиноят-процессуал ҳамда Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексларга кўшимчалар киритилмоқда. Яъни қонун лойиҳаси билан Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексга прекурсорларнинг муомаласига оид қондаларни бузганлик учун маъмурий жавобгарлики белгиланган янги норма киритилмапти. Шунингдек, мазкур ҳуқуқбузарлик маъмурий жазо қўлланилганидан кейин тақдоран содир этилганда Жиноят кодексига жиноий жавобгарлик белгиланиши назарда тутилмоқда.

— Белгиланаётган нормалар фракция аъзолари томонидан қизгин муҳокамадан ўтказилди, — дейди фракция аъзоси Зиёдбек Юнусов. — Ушбу қонун лойиҳасининг қабул қилиниши, албатта, прекурсорларнинг ноқонуний муомаласининг олдини олиш, синтетик гиёҳвандлик воситалари ишлаб чиқарилишига қарши курашиш самарадорлигини ошириш, аҳоли, айниқса, ёшларнинг соғлиғини муҳофаза этишга хизмат қилади.

Муҳокамадан сўнг қонун лойиҳаси фракция аъзолари томонидан қўллаб-қувватланди.

Миллий маъруза кўриб чиқилди

Ўзбекистон Халқ демократик партияси фракцияси йиғилишида Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш тўғрисидаги миллий маъруза кўриб чиқилди.

Таъкидланганидек, кейинги йилларда мамлакатимизда коррупцияга қарши курашиш борасида ҳуқуқий ва институционал ислохотлар амалга оширилмоқда. Хусусан, давлатимиз раҳбарининг “Ўзбекистон Республикасида коррупциянинг олдини олиш ва унга қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги Фармони билан агентлик, ҳуқуқий муҳофаза қилувчи ва назорат органлари, илмий муассасалар, коррупцияга қарши ички назорат бўлинмалари ва фуқаролик жамияти институтларининг доимий ҳамкорлигига асосланган “Коррупциянинг олдини олиш кластери” жорий этилди.

Шунингдек, маиший коррупциянинг олдини олиш бўйича Андижон тажрибаси, фуқаролик жамияти институтларининг коррупцияга қарши курашишда фаолигини оширишга қаратилган Навоий тажрибаси, рақамлаштиришни назарда тутувчи Самарқанд тажрибаси каби ижобий малакалар яратилиб, бошқа ҳудудларга ҳам татбиқ этилмоқда.

Йиғилишда фракция аъзолари миллий маърузада акс эттирилган маълумотларни янада аниқ баён этиш, халқро тажрибаларни чуқурроқ ўрганиш бўйича таклиф ва тавсияларни билдирган ҳолда, маърузани қўллаб-қувватлади.

Йиғилишда, шунингдек, қурилиш тугалланмаган кўп квартиралы уйларда ноқонуний яшашнинг олдини олишга қаратилган қонун лойиҳаси депутатлар диққат марказида бўлди. Ушбу қонун лойиҳаси билан кўп квартиралы уйларнинг қурилишига масъул шахслар ёки мутасаддилар томонидан белгиланган тартибда фойдаланишга қабул қилинмаган кўп квартиралы уйларга фуқароларнинг кўчиб киришига йўл қўйганлик учун жавобгарлик чоралари кучайтирилмоқда.

Муҳокама чоғида фракция аъзолари қонун лойиҳасининг аҳамиятига эътибор қаратиб, ундаги айрим нормалар бўйича қонун ташаббускорларига аниқлаштирувчи саволлар берди. Савол-жавоблардан сўнг қонун

лойиҳаси фракция аъзолари томонидан қўллаб-қувватланди.

Ўрмон фонди ерлари муҳофазаси янада кучайтирилади

Ўзбекистон Экологик партияси фракцияси йиғилишида дастлаб ерга оид муносабатларни янада такомиллаштиришга қаратилган қонун лойиҳаси кўриб чиқилди.

Ерларни ўзбошимчалик билан эгаллаб олишнинг олдини олиш, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларининг ер муносабатларидаги ваколатларини аниқлаштириш, қишлоқ ҳўжалигига мўлжалланмаган бўш турган ер участкаларидан самарали фойдаланишнинг ҳуқуқий механизмларини белгиллаш ҳамда ер участкаларини бирлаштиришнинг ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлаш мазкур лойиҳада назарда тутилмоқда.

— У ер ресурсларидан оқилона ва самарали фойдаланишни таъминлаш, ерга бўлган ҳуқуқларнинг ишончли ҳимоясини кучайтириш ҳамда қишлоқ ҳўжалиги соҳасида замонавий бозор муносабатларини янада ривожлантиришга хизмат қилади, — дейди фракция аъзоси Ойбек Раҳимов.

Муҳокамадан сўнг қонун лойиҳаси фракция аъзолари томонидан қўллаб-қувватланди.

Кун тартибидagi навбатдаги масала ўрмон фонди ерлари муҳофазасини кучайтиришга қаратилган қонун лойиҳаси муҳокамаси бўлди.

Таъкидланганидек, мазкур қонун лойиҳаси соҳада амалга оширилаётган кенг қўламли ишларнинг



ҳуқуқий асосларини такомиллаштиришга қаратилган. Ўрмон фонди ерларининг алоҳида муҳофаза этилишини таъминлаш мақсадида Ер кодексига ўрмон фонди ерларини ер фондининг бошқа тоифасига ўтказиш Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан қабул қилинадиган ҳужжат асосида амалга оширилиши белгиланмоқда. Шунингдек, ўрмон фонди ерларининг ҳуқуқий муҳофазасини кучайтиришга қаратилган кўшимча ва ўзгартаришлар киритилмоқда.

Фракция аъзолари мазкур ўзгартаришлар ўрмон фондлари ерларининг муҳофазасини кучайтириш, биологик хилмахилликни сақлаш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш ҳамда мамлакатимизда экологик барқарорлиқни таъминлашда муҳим аҳамият касб этишини таъкидлади.

Савол-жавоблардан сўнг қонун лойиҳаси фракция аъзолари томонидан қўллаб-қувватланди.

«Халқ сўзи».

ИНВЕСТИОРЛАР УЧУН МУСТАҲКАМ ҲУҚУҚИЙ КАФОЛАТ

Бугунги кунда глобал капитал оқимлари учун рақобат тобора кучайиб, инвестициялар ҳуқуқий барқарорлик, ишончли институтлар ва замонавий молиявий инфратузилмага эга мамлакатларга йўналтирилмоқда. Шу нуктаи назардан, мамлакатимизда Тошкент халқаро молия марказининг ташкил этилиши Янги Ўзбекистоннинг иқтисодий сибсатдаги навбатдаги ислохоти бўлиш билан бирга, юртимизнинг жаҳон молия тизимига институционал интеграциялашувини таъминлайдиган стратегик қадам ҳисобланади.

Шарҳ

Давлатимиз раҳбари томонидан имзоланган “Тошкент халқаро молия маркази тўғрисида”ги Конституциявий Қонун юртимизда халқаро молия институтлари ва инвесторлар учун ҳуқуқий кафолатларга эга, замонавий бошқарув стандартларига асосланган янги институционал муҳитни шакллантиришга ҳуқуқий асос яратди. Мазкур ҳужжат миллий капитал бозорини ривожлантириш, инвестициявий жозибдорликни ошириш ҳамда Ўзбекистоннинг минтақавий молиявий марказ сифатидаги ўрнини мустаҳкамлашга қаратилган.

Ҳисоб-китобларга кўра, ушбу марказнинг тўлиқ фаолият юритиши натижасида 2030 йилга қадар мамлакат

иқтисодиётига 20 млрд.дан 25 млрд. АҚШ долларигача кўшимча қиймат яратилиши, яъни ички маҳсулотнинг йиллик ўсишига кўшимча 1 фоизлик ҳисса қўшилиши, 15 минггача юқори малакали иш ўрни очилиши ҳамда 10 минг нафар мутахассиснинг малакаси оширилиши кутилмоқда. Бу мамлакат иқтисодиётига сифат жиҳатдан янги босқичга чиқиш имкониятини беради.

Жаҳон тажрибаси халқаро молия марказлари инвестицияларни жалб этиш, капитал бозорини ривожлантириш ва юқори қўшилган қийматга эга молиявий хизматларни кенгайтиришда муҳим институт эканини тасдиқлайди.

Халқаро амалиётда ўзини



оқлаган ана шу ёндашув эндиликда Ўзбекистонда ҳам ҳуқуқий жиҳатдан мустаҳкамланди. Конституциявий Қонунда марказнинг ҳуқуқий макомы, бошқарув тизими, ваколатлари ҳамда махсус ҳуқуқий режими аниқ белгиланди. Шу орқали халқаро инвесторлар учун ҳуқуқий муносабатларнинг барқарорлиги ва прогност қилинадиган бизнес муҳитини таъминлашга қаратилган мустаҳкам институт яратилди.

Қонунга мувофиқ марказ ҳудудида Ўзбекистон Республикаси Конституциясига, мазкур Конституциявий Қонунга ва молия маркази қарорларига зид бўлмаган ҳолда Англия ва Уэльс умумий ҳуқуқи принциплари, қонунчилиги ҳамда суд прецедентлари қўлланилади. Бу халқаро молия амалиётда кенг фойдаланиладиган ҳуқуқий модель бўлиб, шартномавий муносабатларнинг барқарорлиги ва ҳуқуқий аниқлиқни таъ-

минлашга хизмат қилади.

Инвесторлар капитал киритиш тўғрисида қарор қабул қилишда, аввало, ҳуқуқий ҳаттарлар, суд тизимининг мустақиллиги ва ҳуқуқий қўллаш амалиётининг барқарорлигини баҳолайди. Шу боис марказда инглиз умумий ҳуқуқи принципларининг қўлланилиши халқаро бизнес учун яхши таниш ҳуқуқий муҳитни яратиб, Ўзбекистоннинг инвестициявий рақобатбардошлигини оширади.

Бундан ташқари, бугунги глобал иқтисодиётда давлатнинг рақобатбардошлигини унинг халқаро капитал учун қандай институционал ва ҳуқуқий муҳит ярата олгани билан белгиланади. Тошкент халқаро молия марказининг ташкил этилиши Янги Ўзбекистоннинг очик иқтисодиётни шакллантириш, инвестициявий жозибдорликни ошириш ва миллий молия бозорини жаҳон капитал бозори билан чамбарчас боғлашга қаратилган стратегик ислохотларининг мантикий давомидир.

Конституциявий Қонун билан жорий этилган махсус ҳуқуқий режим, инвесторлар ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг замонавий механизмлари,

халқаро ҳуқуқий стандартларнинг татбиқ этилиши ҳамда узоқ мuddатли рағбатлантириш чоралари мамлакатда рақобатбардош молиявий экотизимни шакллантириш учун мустаҳкам пойдевор яратди. Бу, ўз навбатида, хорижий инвестициялар оқимини кўпайтириш, миллий капитал бозорини ривожлантириш ва иқтисодиётнинг реал секторини узоқ мuddатли молиявий ресурслар билан таъминлаш имкониятларини кенгайтиради.

Муҳими, мазкур ислохот Ўзбекистоннинг халқаро инвестициявий майдондаги нуфузини янада мустаҳкамлаш, мамлакатнинг институционал салоҳиятини юксалтириш ҳамда Марказий Осиёнинг етакчи молиявий марказларидан бирига айланиши учун ҳуқуқий асос яратди. Шу маънода, Тошкент халқаро молия маркази нафақат мамлакатимиз узоқ мuddатли иқтисодий тараққиёт моделининг ифодаси, балки жаҳон молия харитасида муносиб ўрн эгаллаш сари ташлаётган стратегик қадамдир.

Муҳаммаджон ВАЛИЕВ, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати.

Мамлакатимизда Ягона интеграциялашган рақамли платформа жорий этиш орқали давлат ахборот тизимларини ишлаб чиқиш ва эксплуатация қилиш харажатларини камида 30 фоизга қисқартириш режалаштирилган.

Саховат

Эзгуликнинг муқташам манзили

Бухорилик уч опа-сингил — Азиза, Измира ва Дурдона ота-она қарамоғидан махрум бўлишгач, “Бу болажонларнинг тақдирини энди қандай қиладим?” дея ҳавотирга тушганлар кўп бўлди. Дунёда меҳр-оқибат, диёнат, эзгулик деган тушунчалар, яхшилик аталмиш дарахтнинг илдизи мустаҳкам.

Жиянларининг тақдирига бефарқ бўлмаган тоға ва унинг турмуш ўртоғи Ойсапар Ражабова оилавий болалар уйида яшаб келаётган опа-сингилларни ўз қарамоғига олишга, уларга ота-оналик меҳрини беришга аҳд қилди. “Инсон” ижтимоий ҳизматлар марказига мурожаатдан сўнг Ойсапар опа “Тутинган ота-оналар тайёрлов курси”да сабоқ олди. Тоғанинг опа-сингилларига қарата “Энди сизлар бизнинг фарзандимизсиз” деган гапи ўқис кўнгилларига малҳам бўлди.

— Қизлар ҳозирги кунда тутинган ота-онаси, қичкинтой укаси ва бобо-си билан бирга оила бағрида яшаб келмоқда, — дейди Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги Бухоро вилояти бошқармаси масъул ходими Зарнигор Нафиддинова. — Ўз навбатида, уларга турли ижтимоий хизматлар кўрсатишмоқда. Жумладан, марказимиз руҳшуноси томонидан психологик коррекцион ишлар олиб борилади.

Измира билан Дурдона мактабда ташкил этилган фан тўғрақларига жалб қилинди. Уларга тикув машинаси олиб берилди. “Меҳр дафтари” жағғармаси орқали велосипед, ноутбук, ўқув қуроллари, дарс машғулотлари ва ётоқ учун мўлжалланган мебель ҳамда мавсумий кийим-кечаклар ажратилди. Азиза эса инглиз тили ва тикувчилик тўғраги машғулотларида қатнашмоқда. Бунга сарфланган маблағ “ёшлар дафтари” орқали бериляпти. Дарвоқе, Азизанинг исм-шарифи уй-жойга муҳтож сифатида “Онлайн-навбат” ахборот тизимига ҳам киритилган.

— Мамлакатимизда болаларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш ҳамда соғлом оилавий муҳитда вояга етишини таъминлаш давлатимиз сиёсатининг устувор йўналишларидан бири ҳисобланади, — дейди халқ депутатлари вилоят Кенгаши депутаты Жаҳонгир Шарипов. — Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги ташкил этилгандан сўнг ушбу йўналишда тизимли ислохотлар амалга оширилиб, соҳанинг ҳуқуқий асослари янада мустаҳкамланди. Жумладан, 2024-2025 йилларда болаларни ижтимоий ҳимоя қилиш бўйича қонун, фармон ва қарорлар қабул қилинди. Мазкур ҳужжатлар болалар ҳуқуқларини таъминлаш, етим ва ота-она қарамоғидан махрум бўлганларни қўллаб-қув-



ватлаш ҳамда зўравонликнинг олдини олиш борасидаги ишларни янги босқичга олиб чиқди.

Бугунги кунда вилоятда вояга етмаган болалар сони 709 320 нафарни ташкил этади. Шундан 23 ёшгача бўлган етим ва ота-она қарамоғидан махрум ёшлар сони 418 нафар.

Агентлик иш бошлагач, вояга етмаган болаларга васий ва ҳомий тайинлаш ваколати “Инсон” ижтимоий хизматлар марказларига берилди. Маҳаллаларда ижтимоий ҳодимлар фаолияти натижасида марказлар томонидан 6069 нафар болага васий ёки ҳомий тайинланди. Яна 55 нафар бола патронат шаклида оилаларга жойлаштирилди. Етим ва ота-она қарамоғидан махрум болаларни муассасаларда эмас, балки оила муҳитида тарбиялаш мақсадида янги тизим жорий этилди. Натижада вилоятда 25 та оилавий болалар уйи ҳамда 1 та профессионал тутинган оила фаолияти йўлга қўйилди.

Болаларнинг таълим олиш имкониятларини кенгайтириш ҳам доимий эътиборда. Ўтган давр мобайнида 70 нафар ўғил-қиз олий таълим муассасаларига имтиёзли асосда ўқишга киришга муваффақ бўлди. Жорий йилда эса яна 49 нафарининг ушбу имкониятдан фойдаланиши кутилмоқда. Шунингдек, олий таълимни тавомлашган 8 нафар ёшнинг танловисиз ишга жойлаштиришга қўллаб-қувватланди.

Уй-жой билан таъминлаш масаласи ҳам агентлик эътиборидаги муҳим йўналишлардан биридир. 2024-2025 йиллар давомида етим ва ота-она қарамоғидан махрум бўлган 48 нафар бола уй-жой билан таъминланди. Ушбу мақсадлар учун 12 миллиард сўм маблағ ажратилди.

Бу каби кенг қамровли ишлар турмуш қийинчиликлари гирдобига тушиб қолган ҳар бир боланинг оила бағрида, меҳр ва эътибор муҳитида улғайишига хизмат қилмоқда. Уларнинг барча тенгқўрларни билан тенг муҳитда вояга етиб, ҳаётдан ўз ўринларини топиб кетишларига замин яратяпти.

Истам ИБРОҲИМОВ
(«Халқ сўзи»).



— Халқаро кимё олимпиадаси 1968 йилдан буён мунтазам ўтказиб келинади, — дейди Тошкент давлат тиббиёт университети қошидаги 2-академик лицей директори, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси Ортиқбой Эшонкулов. — Ҳар йили дунёнинг етакчи давлатларидан энг иқтидорли ёш кимёгарлар мазкур мусобақада иштирок этиб, назарий билим ва лаборатория қўникмаларини халқаро стандартлар асосида синовдан ўтказишади. Мазкур нуфузли тадбирда Ўзбекистон байроғи илк бор 2013 йили ҳилпираган ва шундан буён унда мамлакатимиз ёшлари мунтазам қатнашиб келади. Бугунги кунда “IChO” — нафақат билимлар беллашуви, балки илмий ҳамкорликни ривожлантириш, турли мамлакатлар ёшлари ўртасида дўстона алоқаларни мустаҳкамлаш ҳамда келажақ олимларини бирлаштирувчи нуфузли платформага айланди.

Олимпиаданинг очилиш маросими “Ўзбекистон” халқаро анжуманлар саройида бўлиб ўтди. Унда Халқаро кимё олимпиадаси (IChO) бошқарув кўмитаси раиси Жон Леон Киапес иштирок этиб, нутқ сўзлади. У ўз сўзида Ўзбек

ЁШ КИМЁГАРЛАР БЕЛЛАШУВИ

тилида барча олимпиада қатнашчиларига қарата: “Ўзбек халқининг қадимий ривоятларида бахт ва эзгулик тимсоли бўлган афсонавий Ҳумо қуши ҳақида ҳикоя қилинади. Сизлар уни аллақачон кўрингиз — унинг қанотлари Ўзбекистон давлат гербиди ҳам, бу йилги Халқаро кимё олимпиадаси рамзиди ҳам порлаб турибди... Ҳумо қуши барчангизга бахт, омад ва ёрқин келажақ



олиб келсин!” дея мурожаат қилгани тадбирнинг яна бир ёдда қоларли воқеаси бўлди, десак, мулоғла эмас.

Сўнгги йилларда давлатимиз раҳбари ташаббуси билан иқтидорли ёшларни қўллаб-қувватлаш, уларни халқаро фан олимпиадаларига тизимли тайёрлаш ва замонавий таълим муҳитини шакллантириш бўйича кенг кўламли ислохотлар амалга оширилмоқда. Бунинг натижасида ўқувчиларимиз 2025 йилда 29 та халқаро фан

олимпиадасида иштирок этиб, жами 210 та медални қўлга киритди. Айтиш лозимки, 58-Халқаро кимё олимпиадасига тайёргарлик жараёнида 2024 йилдан бошлаб юборилган. Жумладан, Саудия Арабистони ва Бирлашган Араб Амирликларида ўтказилган олимпиадалар тажрибаси ўрганилди. “IChO 2026” расмий логотипи ва веб-сайти ишлаб чиқилиб, делегация-



лар билан ишлаш учун махсус ахборот платформаси яратилди. Шунингдек, назарий ва амалий топшириқларни тайёрлаш учун халқаро Илмий қўмита шакллантирилди ҳамда лабораториялар халқаро стандартларга мос жиҳозланди. Реагентлар ва замонавий лаборатория ускуналари харид қилинди.

— Аввало, ташкилотчиларга миннатдорлик билдирмоқчиман. Қувонарлиси, уларнинг барчаси гўзал Ўзбекистон вакиллари, — дейди Ломоносов

номидаги Москва давлат университетининг кимё факультети доценти Елена Еремина. — Иштирокчилар учун тайёрланган масалалар низоҳатда пухта ишланган. Шу боис ёшларга бироз мураккаб туюлиши мумкин, аммо улар жуда қизиқарли. Чунки топшириқлар нафақат илмий жиҳатдан асосли, балки мамлакатингизнинг ўзига хос маданияти ва тарихини ҳам ўзида акс эттиради. Бу эса олимпиадани илмий мусобақадан ташқари, мамлакат билан яқиндан танишиш имкониятига ҳам айлантиради.

Олимпиаданинг Ўзбекистонда ўтказилиши мамлакатимизнинг халқаро илмий-таълим ҳамжамиятидаги нуфузини янада мустаҳкамлайди. Шунингдек, у юртимизнинг замонавий таълим тизими имкониятларини намойиш этади, ёшларнинг илм-фанга қизиқишини қучайтиради. Халқаро академик ҳамкорлиқни кенгайтиради, мамлакатимизнинг туризм ва маданий салоҳиятини дунёга тарғиб қилади.

— Олимпиадага жамоамиз билан пухта тайёргарлик кўрдик, — дейди бельгиялик иштирокчи Роббе Франсен. — Маълум вақт ичида кимё бўйича билимларимизни янада мустаҳкамлаб, амалий қўникмаларимизни такомиллаштирдик. Умид қиламанки, бу ерда дунёнинг турли бурчақларидан келган иқтидорли ёшлар билан танишиб, янги дўстлар орттираман ва бошқа халқларнинг маданияти ҳамда мамлакатлари ҳақида кўпроқ билиб олам.

Улугбек РЎЗИМАТОВ
(«Халқ сўзи»).

ТАДБИРКОРЛАРИМИЗНИНГ БЕЛАРУСДАГИ ЛОЙИҲАСИ

чорвачиликни ривожлантиришга хисса қўшади

Илгари хорижий мамлакатлар билан савдо-сармовий ва иқтисодий алоқалар давлат миқёсида йўлга қўйилган бўлса, бугунги кунда ҳудудлараро ҳамкорлик муносабатлари ҳам тобора мустаҳкамланиб борапти. Бунга Ўзбекистон ва Беларусь Республикаси ўртасида амалга оширилаётган тармоқлараро лойиҳалар яққол мисол бўлади.

Ҳамкорлик

Гап шундаки, яқинда қашқадарёлик тадбиркорлар Беларусь Республикасининг Витебск вилоятидан 4 минг гектар экин майдонини узоқ муддатли ижарага олиб, чорвачиликни ривожлантириш бўйича дастлабки қелишувга эришди.

— Беларусьга сафаримиз давомида Витебск вилоятининг Браслав, Шумилин ва Постава туманларидаги чорвачилик комплекслари, савдо нуқталари фаолияти билан яқиндан танишдик, — дейди қаршилик кўп тармоқли бизнес эгаси Искандар Қуратов. — Дастлабки сафаримиз ўта самарали ўтди. Якунда “Asl Yuksalish Savdo”, “Muborak qorako”lchilik” корхоналари билан Шумилин туманида жойлашган “Сиротинский” чорвачилик фермаси

ўртасида узоқ муддатли шартнома имзоланди. Унга кўра, ижарага олинган ердан унумли фойдаланиш учун зарур уруғлик, техника ва бошқа керакли воситалар билан Беларусь томони таъминлайди. Биздан ташаббускорлик, янги инновацион технологияларни қўллаш талаб этилади.

Лойиҳанинг биринчи босқичи доирасида шу йилнинг ўзида 1 минг бош насли қорамол парваришлаш йўлга қўйилади. Шу мақсадда 4 минг гектар ерда озуқа экинлари экиш бошлаб юборилди. Бунинг учун Қашқадарёдан 60 нафар ёш жалб этилди. Улар ҳам ишлайди, ҳам янги касбларга ўқитилади.

Қашқадарё вилояти ҳокимининг маслаҳатчиси Шухрат Турсуновнинг айтишича, қўша лойиҳани амалга оширишда Ўзбекистоннинг Беларусь

даги элчиси яқиндан қўмаклашмоқда. Икки давлат шахарлари ўртасида авиақатновлар сонини ошириш, сайёҳлик, савдо, транспорт-логистика соҳаларида тенг манфаатли алоқаларни кенгайтириш борасида ҳам ишлар олиб бориляпти.

Яна бир эътиборли жиҳати, “Asl Yuksalish Savdo” корхонаси билан “Доброном” савдо тармоғи ўртасида экспорт шартномаси имзоланди. Томонлар қелишувига кўра, ҳар йили Ўзбекистонда етиштирилган 60 минг тонна қуруқ мевалар, дуккакли ва ползи маҳсулотлари, узум етказиб берилиди. Чунки Беларусь бозоридида тилими тилини ёрадиган қовун-тарвузлар, витаминга бой мевалар узумларимиз азалдан машҳур бўлиб, уларга талаб тобора ортиб борапти. Шу боис қашқадарёлик тадбиркорлар ушбу йўналишдаги ҳамкорлиқни янада ривожлантириш бўйича янги лойиҳалар устида ишламоқда.

Абдунаби АЛИҚУЛОВ
(«Халқ сўзи»).

Пистазорлар Нурободга янги ҳаёт олиб келмоқда

Писта иссиқсевар, қурғоқчиликка чидамли ва серҳосил бўлиб, айрим манбаларда 40 даража иссиқ ва совуққа чидаши ҳамда минг йилгача ҳосил бериши мумкинлиги қайд этилган. Шу жиҳатлари билан ҳозирги сув танқислиги кучаяётган, аграр соҳада экспорт барқарорлигини таъминлаш муҳим бўлган вазиятда энг мақбул ўсимлик ҳисобланади.

Нуробод тумани иқлими писта етиштиришга мос бўлиб, ерларининг асосий қисмини бепоён қир-адирлар ташкил этади. Худудда сув кам, ёзи иссиқ, киши изғиринли. Шу боис ҳам туманда писта плантациялари барпо этилмоқда.

Экология ва иқлим ўзғариши миллий қўмитаси ҳузуридаги Ўрмон хўжалиги агентлиги томонидан Саройқўрғон давлат ўрмон хўжалигида пистазорлар ташкил қилиш ишлари бошлаб юборилган.

500 нафар маҳаллий аҳоли ишли бўлади

— Ўтган йили кузда писта экиш ишларини бошлаган эдик, — дейди Нуробод туманидаги Саройқўрғон давлат ўрмон хўжалиги директори Аҳмаджон Сағдуллаев. — Бунинг учун Нуробод тумани захира ерларидан ўрмон хўжалигимизга 50 минг гектар ер майдони ажратиш белгиланган. 10 йиллик дастур доирасида, яъни 2036 йилгача ҳар йили 5 минг гектардан пистазорларини барпо қилиш вазифаси қўйилган. Мазкур йирик лойиҳани амалга ошириш, сугориш тизимини йўлга қўйиш учун Давлат бюджетидан 20 миллиард сўм маблағ йўналтирилмоқда. Бунда 50 дона тик қудук, шунча сув ҳавзалари ўрнатилади ва худуддаги Пўлатчи, Нурдум, Машъал ва бошқа маҳаллаларнинг кам таъминланган оилаларидаги 500 дан ортиқ ишсиз фуқаролар бандлиги таъминланади. Уларга пудрат шартномаси асосида 5 гектардан 10 гектар-



гача ер ажратиб берилади. Майдонлар томчилатиб сугориш тизими жорий қилинган ҳолда топширилади. Бугунги кунда вилоятимиздаги 10 та ўрмон хўжалигининг ҳар бирида 500 гектар майдонда ишлар қизғин олиб боришмоқда.

Нурдум маҳалласидаги 6 қишлоқнинг 1300 хонадонидида 6 мингдан ортиқ аҳоли

истиқомат қилади, уларнинг 70 дан ортиғи кам таъминланган оилалар ҳисобланади. Режага кўра, уларни иш билан таъминлаш ва доимий даромадга эга бўлиши учун дастлаб писта майдонлари ажратилади. Ушбу маҳалладаги 400 дан ортиқ хонадонларда кўп йилдан буён писта етиштирилиши ва аҳолида ўсимлик борасида етарлича тажриба борлигини ҳисобга олсак, яқин вақтда бу ерда мўймай даромад манбаига эга янги драйвер йўналиш пайдо бўлади.

Мутахассисларнинг ўрганишларига кўра пистани дастлабки уч йилда доимий равишда сугориш етарли бўлади, кейин илдининг ерга чуқур кириб бориши ҳисобида пастки қатламдан зарур намликни олади ва узоқ йиллар ҳосил беради.

Ер деградациясининг олди олинади

— Лалми майдонларда пистазорларни барпо этишнинг самарали эканини илм билан асослашга ҳаракат қилияпти, — дейди Ўрмон хўжалиги илмий-тадқиқот институти селекция, уруғчилик ва қўчатчилик лабораторияси мудири, қишлоқ хўжалик фанлари доктори, профессор Бобомурод Эшонкулов. — Унинг меваси юқори диетик хусусиятга эга бўлиб, таркибида 49 — 60 фоиз мой, 15 — 20 фоиз оксил ва 3 — 8 фоиз қанд мавжуд. Турғи парвариш билан гектарига 5-6 тоннагача юқори сифатли ҳосил беради.

Писта ўстириш дастлаб 1937 йилда Бобо-

тоғ тизмасида бошланган бўлса, ҳозир Ўзбекистонда табиий ҳолда деярли барча тоғ тизмаларида учрайди. Республикада уруғидан экиб ўстирилган пистазорлар йил сайин ортиб бормоқда. Ўрмон хўжалиги илмий-тадқиқот институтида пистанинг 10 га яқин навлари яратилган, 30 дан ортиқ писта навлари коллекцияси барпо этилган. Туманнинг Каттакўрғон сув омбори атрофидаги лалми қир-адирликларда пистазорлар ташкил қилиш тарихи деярли 100 йилни қамраб олади. 1949 йилда сув омбори қурилганидан сўнг унинг атрофидаги қирғоқларни эрозиядан сақлаш учун пистазорлар барпо этиш бошланган. Ушунда асосий вазифа сифатида туپроқ емирилиши, эрозиянинг олдини олиш бўлган. Айни вақтда бу даромадли ўсимлик томчиллатиб сугориш йўли билан адирликларга экилиб, қияликларда писта плантацияларига асос солинмоқда.

Туманда жорий йилнинг баҳор мавсумида 252 гектар ерга қўчатдан, 290 гектарга уруғдан жами 542 гектар майдонда писта плантациялари ташкил этилди. Қўчатлар туманлардаги ўрмон хўжаликлариди тайёрланди.

Шу кунларда Экология ва иқлим ўзғариши миллий қўмитаси ҳузуридаги “Яшиллойиҳа” институти томонидан ерларни ўрганиш, туپроқ-иқлим таҳлили ва экиш схемалари ишлаб чиқилмоқда. Лойиҳа якунида ер деградациясининг олдини олиш, экспортбоп маҳсулотлар етиштириш ҳажмини ошириш, аҳоли бандлиги ҳамда худуднинг экологик барқарорлигини таъминлаш мақсад қилинган.

Абдулазиз ЙЎЛДОШЕВ
(«Халқ сўзи»).

Польшада ўзбек киноси ва сериалларини намойиш этиш бўйича маданий-кино лойиҳасини амалга ошириш кўзда тутилган бўлиб, унинг дастлабки босқичида 10 та бадийий фильм ва 10 та сериал поляк тилига таржима қилиниб овозлаштирилади ҳамда эфирга узатилади.

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСАЛАР:
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши,
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Сенати Кенгаши

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 742. 19 766 нусxada босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қозғоқ бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Телефонлар:
Девонхона 71-259-74-51; котибият 71-259-74-53;
эълонлар 71-259-74-87.



Таҳририятга келган қўлаёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Газетанинг суқлазиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жаавобгар.
Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор А. Исмаилов томонидан сақифаланди.
Газетанинг полиграфия ҳиҳатидан сифатли чоп этилишига “Шарқ” наприёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

• МАНЗИЛИМИЗ:
100066,
Тошкент шаҳри,
Ислом Каримов кўчаси, 55-уй.
Навбатчи муҳаррир — Ф. Бозоров.
Мусахҳиҳ — Ш. Машраббоев.

“Шарқ” наприёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили:
Буюк Турон кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 02.00 Топширилди — 02.00 1 2 3 4 5 6